

Хайрулла Ҳамидов

Таржима назарияси ва амалиёти
кафедраси муdiri

ТУРК МАҚОЛ ВА ИБОРАЛАРИДА АЁЛ

Аннотация

Мазкур мақола турк мақол ва ибораларида аёлларга, аввало, бир инсон, жамиятнинг фаол бир аъзоси сифатида қандай ўрин берилгани ҳам социологик, ҳам илмий (фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятлари) жиҳатдан тадқиқига бағишланган.

Аёл ва унинг ижтимоий мақоми асос олинган, қолип тушунчаларни ўзида мужассам этган туркча мақол, матал ва иборалар тадқиқ этилаётганда, аёлнинг оилада садоқатли умр йўлдоши ва меҳрибон оналик ролига устуворлик берилганлиги кўзга ташланади.

Ушбу мақолада турк мақол ва ибораларида аёлларга, аввало, бир инсон, жамиятнинг фаол бир аъзоси сифатида қандай ўрин берилгани ҳам социологик, ҳам илмий (фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятлари) жиҳатдан тадқиқ этилди.

Оиланинг фаровон, оила аъзоларининг эса тотув бўлиши, асосан, аёл киши, унинг фарзандларга бўлган меҳри, атрофдаги кишиларга муомала-муносабати, фаҳм-фаросати, уддабурон ва тежамкорлигига боғлиқлиги туркча мақол ва ибораларда таъкидланган. Масалан, *Yuvayı yaran dişi kuştur* (уяни қурадиган урғочи қушдир) мақоли воситасида оиланинг мустаҳкам бўлишида аёл кишининг ўрни қанчалик муҳимлигига урғу берилган. Аёл фарзандларнинг онаси сифатида оиланинг тамал тоши ҳисобланиб, эъзозланган. Туркларда фарзанд туғилиши, хусусан, ўғил бола дунёга келиши билан аёлнинг оиладаги мавқеи янада юксалган.

Турк мақол ва иборалари тадқиқ этилаётганда аёлнинг ҳаётдаги анъанавий роли аёлнинг турмуш ўртоғига бўлган садоқати, меҳрибон она сифатида фарзанд тарбиялаши, чакқон, уддабурон, моҳир, покиза ва тежамкор уй бекаси сифатида рўзғор юмушларини бажариши, ҳар қандай шароитда оиласини гуллаб-яшнатиш, оила жамағармасининг баракали бўлишига ҳаракат қилиши масаласига асосий диққат қаратилган. Масалан, *On elinde (parmagında) on marifet* (Ўн бармоғида ўн маҳорат) ибораси орқали аёл кишининг маҳорати, рўзғор ишларига усталиги англашилса, *Avrat vardır, arpadan aş eder; avrat vardır, bulguru keş eder* (Аёл бордир, арпадан мазали ош тиширади, аёл бордир, аёло навли гуручни бўтқа қилади) мақоли воситасида оилада эркак кишининг топганини баракали қилувчи ҳам аёл, баракасини учуриб, йўқ қилувчи ҳам аёл, яъни уқувсиз уй бекаси эканлиги тушунилади.

Аёл ҳақида айтилган турк мақол ва иборалари юз йиллар мобайнида шаклланган, сайқалланиб бугунгача етиб келган. Уларда эр-хотин орасидаги муносабатлардан ташқари, аёлнинг оилада эгаллаб турган мавқеига ҳам алоҳида эътибор берилган. Турк халқида аёлнинг турмуш ўртоғи билан

муносабатида “тенг ҳуқуқлилиқ” орқа планда, эркак кишининг обрў-эътибори олд планга чиқарилган. Чунки эркак киши азалдан оиланинг бошлиғи, боқувчиси ҳисобланиб, аёл кишининг “қўлининг хаамири билан эркак ишига аралашмаслиғи” (*elinin hamuruyla erkek işine karışmamak*), ҳар қандай вазиятда ўз ўрнини билиши кераклиғи уқтирилган. Ушбу ибора турк хотин-қизларининг оиладаги мавқеи, ҳаёт тарзи, миллий ўзига хосликларини акс эттирган бўлиб, турк оиласида эркак кишининг вазифаси алоҳида, аёлники – алоҳида эканлигини кўрсатади. Чунки турк оиласида уй-рўзғор ишлари, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш, образли қилиб айтганда, ‘қўли хаамидан чиқмаслик’ ёки ‘сочи сунурғи’, ‘қўли косов’ бўлиш, асосан, аёл кишининг иши ҳисобланган. Аёлга ўз ўрнини билиши, эркак ишига аралашмаслиғи кераклиғи турли образлар воситасида уқтирилган.

Туркларда ичкуёвликка салбий муносабат билдирилган. Ичкуёв бўлган кишилар кўпчилиқ орасида “катта гапира олмаган”, “Эркакман, деб кўксига уриш” ҳам уларга ёт бўлган. Шундан бўлса керак, баъзан, кайфияти йўқ кишидан ҳол-аҳвол сўралганда, у: “*İç güveysinden hallice*” (‘ичкуёвнинг ҳолидан кўра тузукроқ’) - деб жавоб беради. Ушбу иборада эркак киши учун ичкуёв бўлишдан ёмонроқ ҳолат бўлмаслиғи таъкидланади. Ёки, халқ орасида куёв (почча)нинг зарурат туғилганда қайнотаси ёки қайинлари томонидан аямасдан ишлатилганлиғи *Eşegin yoksa eniştен de mi yok?* (“Эшагинг йўқ экан, куёвинг (поччанг) ҳам йўқмиди?)) айтими орқали берилади.

Туркча *İki kardeş bir evde geçinememiş, yedi bacanak bir çavdar sapının gölgesinde geçinmiş* (Икки ака-ука бир уйда яшай олмабди, еттита божса эса бир жавдар поясининг соясидида яшай олибди) мақолида ҳам юқоридагига ўхшаш вазиятга дуч келинади. Ушбу ҳикматда, икки овсиннинг ака-укалар орасини бузиб, уларни юз кўрмас қилишга қодирлиғи, еттита опа-сингилнинг эса бир-бирига мутлақо бегона бўлган етти эркак (божалар)ни иттифокқа келтириб, иноқ бўлишга мажбур қилиши мумкинлиғи таъкидланади.

Фарзандни вояга етказиш ва тарбияси билан боғлиқ фразеологик бирликлар аёл мавзусида айтилган мақол, иборалар билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Масалан, туркий халқларда фарзанд дунёга келган кундан бошлаб қатъий белгиланган қоидалар (*töre*) ва миллий қадриятлар (*milli değerler*) асосида тарбияланган. Қиз ва ўғил фарзанд алоҳида ҳолда оила, мактаб ва ижтимоий муҳитда “биологик” жинсиятларига мувофиқ тарзда ўстирилган. Ўғил бола ва қиз бола орасидаги фарқли хусусиятлар ҳар доим ота-оналарнинг диққат марказида турган. Қиз фарзанддан яхши турмуш ўртоғи, яхши она, ораста уй бекаси бўлишни кутган жамият, ўғил боладан “топарман-тутарман эр”, “омадли, оқил ва қўли очик оила боқувчиси” бўлишни талаб этган. Шу билан бирга, келин бўлғуси қиз ва ота-онасининг бўлажак куёвнинг оиласидан кўра бадавлатроқ бўлишига қам ижобий қаралмаган. Бундай вазиятда *kadın talı, karı toktağı* (хотиннинг моли, эшикнинг тўқмоғи) дея, келиннинг бадавлат эмас, тарбия кўрган, “палаги тоза” бўлишига эътибор берилган. Қолаверса, келин қанча бадавлат оиланинг қизи бўлмасин, ота-онаси қилган сарпа, мол-давлатдан фақат келиннинг ўзи

фойдаланиши мумкинлиги мақол воситасида таъкидланган: *Gelin altın taht getirmiş - çıkmış kendisi oturmuş* (маъноси: *Келин олтин тахт келтирса ҳам, устига ўзи чиқиб ўтиради*, яъни куёв оиласи келиннинг молидан фойдалана олмайди). Бу мавзуда айтилган яна бир мақол бор: *Ana kızına taht kurmuş, baht kuratamış* (*Она қизига тахт қуради, аммо бахт қура олмайди*). Ушбу мақолда ота-онанинг ўз қизига истаганча мол-давлат бериши мумкинлиги, қизларининг узатилган жойга бориб, тиниб-тинчиб кетиши учун эса бу мол-дунёнинг кафолат бўла олмаслиги таъкидланади. Ёки, *Baba vergisi görümlük, koca vergisi doyumluk* (маъноси: *Отанинг қизига қилган сарпаси, асосан, ўз мол-дунёсини маҳалла-қўйга қўз-қўз қилиш учун. Лекин куёв бўлмиш йигитнинг хотинига қилгани хўжақўрсинга эмас, беминнат. Чунки у умр йўлдошини умр бўйи таъминлашни ўз зиммасига олади*) деганда, туркларда оиланинг қанчалик мустаҳкам ва мустақил иттифоқ эканлиги яққол кўзга ташланади. Ушбу мақолнинг синоними *Er ekmeği - meydan ekmeği, baba ekmeği - zindan ekmeği* (сўзма-сўз: *Эр берган нон – майдон нони, ота берган нон – зиндон нони*) дир. Бу билан отанинг қизига берган нони, миннатли нон эканлиги эмас, эрнинг ўз хотинини моддий таъминлаши унинг эрлик вазифаси, қолаверса, муқаддас китобларда белгилаб қўйилган ҳукм эканлиги таъкидланади.

Ўғил боланинг улғайгач, ўзига муносиб қизга уйланиши, фаровон турмуш кечириш, оилани боқиш учун ўқиб, муносиб иш топиш ва етарли маош олиш учун ғайрат қилиши кераклиги *Aşını, eşini, işini bil* (*ошингни, эшинг (умр йўлдошинг)ни, ишингни бил*) мақоли воситасида уқтирилади. *Er olan ekmeğini taştan çıkarır* (*Эр киши нонини тошнинг орасидан бўлса ҳам чиқариб олади*) деганда эса эркак кишининг оилани боқиш учун барча қийинчиликларни енгиб ўтиши зарурлиги таъкидланади.

Мақол ва ибораларда аёлнинг эри ва унинг яқинларига бўлган муомаласи, хусусан, келин-қайнона муносабатлари (кўп ҳолларда салбий) акс этади. Ўғли билан келини орасига нифоқ солмоқчи бўлган қайноналарга қарата айтилган *atı arpayı küstürmek* (*отни арпага аразлатмоқ*, яъни “бир инсонни унинг севган кишиси билан қарама-қарши қилиб қўймоқ”) иборасининг изоҳи қуйидагича: отни асосий озуқаси бўлган арпадан қанчалик узоқлаштирманг, бефойда, яна бу озуқадан “воз кечмайди”. Ибора кўчма маънода эр-хотинни бир-бирига аразлатиш фойдасиз уриниш эканлигини англатади. Шунингдек, эр-хотин орасидаги яқин муносабатларнинг бузилиши *aralarına soğukluk girmek* (*‘ораларига совуқлик тушмоқ’*) ва унга синоним бўлган *aralarından kara kedi geçmek* (*‘ораларидан қора мушук ўтмоқ’*) ибораларида акс этиб, улар орасида бўлиб ўтган ўткинчи тушунмовчилик, араз таъкидланади.

Эркакнинг нафақат ўз аёлига нисбатан, балки қиз фарзандларга ҳам баъзан қаттиққўл бўлиши кераклиги, уларни севиш билан бирга, ўрни билан, уларга қўл кўтариши ҳам мумкинлиги баъзи туркча мақол ва ибораларда “қистириб” ўтилади (*Kızını dövmeyen dizini döver* - *қизини урмаган, тиззасига уради*). Бу билан туркларда хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлган шахс эмас, балки оиланинг баъзи ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум аъзолари

сифатида қаралиши тушунилмаслиги керак. Чунки, мақол юз йиллар илгари юзага келган ва ўша даврда қизни ота томонидан урилиши оддий нарса ҳисобланган. Ҳозирги кунда эса, мақолни ижобий томондан ҳам кўриб чиқиш керак. Яъни, ушбу мақол воситасида қиз фарзанднинг калтаклаб турилиши ёки ҳар доим тазйиқ остида тутилиши кераклиги эмас, унинг тарбиясида жуда эҳтиёт бўлиш, уни ҳар доим назорат қилиб туриш, зарур бўлганда танбех бериш кераклиги таъкидланади («Тиззасига муштламоқ» ўзбек тилида ҳам «аттанг қилмоқ», пушаймон бўлмоқ маъносига эга).

Шунингдек, турк тилида қиз боланинг ихтиёри ўзига бериб қўйилмаслиги кераклиги *Kızı rahat bıraksan (bırakma), ya davulcuuya gider, ya zurnaşıya* (Қизни ўз ихтиёрига қўйсанг ё нозорачи (карнайчи)га мегади, ё сурнайчига) мақоли орқали ифода этилади. Бунда ёш қизнинг, ота-она маслаҳатсиз, узоқни ўйламай, эҳтиросга берилиб, янглиш иш тутиши мумкинлиги ва ота-оналарнинг бундан эҳтиёт бўлишлари кераклиги таъкидланади.

Турмуш қуриш умр савдоси бўлишига қарамай, инсон хато қилиши мумкин. Бундай ҳолатда, ҳаётда адашиб, номуносиб аёлга уйланган кишига туркча мақол воситасида шундай ўғит берилади: *Yaman komşu, yaman avrat, yaman at: birinden göç, birini boşa, birini sat* (Ёмон қўшни, ёмон хотин, ёмон от; биридан кўч, биридан ажрал, бирини сот). Умр савдосида адашмаслик учун, келин бўлажак қиз боланинг асосий тарбияни оилада онасидан олиши ҳисобга олиниб, *Anasına bak - kızını al, kenarına (tarağına) bak - bezini al* (Онасини кўр – қизини ол, чети (тароғи)ни кўр бўзини ол) дейилган. Хулқ-атвори яхши бўлмаган она ва қизига *Anası dal dal gezerse, kızı budak budak gezer* (Онаси шохма-шох юрса, қизи бутоқма-бутоқ юради) деб сифат берилади. Бунда тарбияси яхши бўлмаган қизнинг онасидан ҳам баттар бўлиши мумкинлигига ишора қилинади.

Мақолларда аёлнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, оила ва жамиятда ўз мавқеини эгаллаб, тўлақонли шахс сифатида намоён бўлиши эркак кишига ҳам боғлиқлиги таъкидланади (*İyi koca karıyı gül, yaprak; kötü koca küll, toprak uyarar.* – Яхши эр хотинни гул-япроқ этар, ёмон эр хотинни кул-тупроқ этар).

Турк тилида инсоннинг қиёфаси ва кишилар орасида юзага келувчи турли муносабатлар чорвачилик билан боғлиқ мақол ва ибораларда образли ифодаланган.¹ Жумладан, от образи ўнлаб мақол, матал ва ибораларда фикрни қисқа, лўнда ва тушунарли ифодалашга хизмат қилган. Хотин-қизлар мавзусидаги мақол, матал ва ибораларда ҳам от образидан бадиий восита сифатида фойдаланганлигини кўриш мумкин. Масалан, *Atın iyisini genç, kadının iyisini ihtiyar alır* (Отнинг яхшисини ёш, хотиннинг яхшисини кекса олади) мақоли ва унга маъно жиҳатдан яқин турувчи *Ergen gözüyle kız alma, gece gözüyle bez alma* (Ўсмир кўзи билан қиз олма, тун кўзи билан бўз олма) мақоли орқали кекса кишининг катта ҳаётий тажрибага эга бўлиши, ёш йигитнинг эса ғўр бўлиши, аёл кишининг хулқ-атвори, тарбиясига эмас, ташқи кўринишига кўпроқ эътибор бериши таъкидланади. Шу билан бирга,

мақолларда қиз боланинг қанча эрта, ўзидан ўн-ўн беш ёш катта ва ижтимоий ҳолати юксак эркак билан турмуш қуриши маъқуллигига эътибор берилади.

Баъзи мақолларда аёлларга паст назар билан қаралиб, уларнинг камситилгани, ҳатто, баъзан аёлнинг эркакни йўлдан оздирувчи шайтонга тенглаштирилганини ҳам кўриш мумкин (*Erkeğin şeytanı kadındır - Аёл - эркакнинг шайтонидир*). Ёки, баъзи ўзига бино қўйган, ёлғиз қолишдан кўркмайдиган, мактанчоқ аёллар тилидан айтилган ва қўлланиладиган “*Elimi sallasam ellisi*” иборасининг маъноси “*Қўлим билан ишора қилсам, элик эркак чопиб келади*”дир. Шунга қарамай, турк тилида аёлни кўкларга кўтарувчи мақол ва ибораларнинг сони кўпроқ: *Bin akılsız erkekten bir akıllı kadın iyidir* (Мунг ақлсиз эркакдан бир ақлли аёл афзалдир), *Erkek - sel, kadın - göl* (эркак сел, аёл кўл) каби.

Юқорида, асосан, аёл ва унинг мақоми билан боғлиқ мақоллар устида тўхталдик. Чунки бу мавзудаги мақол ва маталларнинг салмоғи иборалардан анча катта. Лекин бу мавзудаги иборалар ҳам унча кам эмас.

Турк тилида оддийгина турғун бирикма ҳам аёл мавзусидаги кенг тушунчани ифодалаши мумкин. Масалан, *evde kalmak* (уйда қолмоқ) ибораси қиз боланинг турмушга чиқмасдан ота уйида қолиб кетишидир (*қари қиз*). Ёки, *ateşle barut yanyana* (*ateşle barutu yanyana bulundurmak*) ибораси орқали ёш қиз-йигитнинг бир жойда ёлғиз қолиши хавfli эканлигини билдиради (*олов билан порох ёнма-ён; олов билан порохни ёнма-ён қўймоқ*) каби.

Хулоса қилиб айтганда, турк тилида аёл ва унинг ижтимоий мақоми билан боғлиқ мақол, матал ва иборалар қай йўсин, қай мазмунда ижод этилган бўлмасин, халқ бадий тафаккурининг маҳсули ва тилнинг тенгсиз ифода имкониятлари намоиши сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ота-боболарнинг катта ҳаётий тажрибаси ва кузатишларига асосланган мақол ва иборалар кундалик ҳаётда инсонларга тўғри йўл кўрсатишга давом этаверади. Лекин ҳаётда ҳамма нарсани мақол ва ибораларда кўрсатилганидек йўналтириш, баъзан ҳозирги давр шарт-шароитларига кўз юмишга ўхшаб туюлади. Лекин, аслида, ундай эмас. Бу ерда гап аёл иккинчи тоифа инсон сифатида олинганлиги даъво қилинаётган баъзи мақол ва иборалар ҳақида борапти. Демак, мақол ва иборалар остидаги теран маъно, янги қирраларни кашф этиш керакки, юзаки қараганда аёл иккинчи пландаги ижрочи каби кўринган мақол ва ибораларда унинг эркак билан тенг ҳуқуқли жамият аъзоси эканлиги юзага чиқсин.

ⁱ Ҳамидов Х.Х. Чорва молларига ўхшатиш билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан туркча дейимлар // Туркшунослик изланишлари: Илмий мақолалар тўплами (Иккинчи тўплам). – Тошкент: 2009. –Б. 57-69.